

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки бошқарувининг
2023 йил “25” _____ даги
8/13 - сонли қарорига
илова N 1027

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тизимида коррупцияга оид
ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар берган ходимларни рағбатлантириш
ҳамда уларнинг таъқиб қилинмаслиги кафолатлари тўғрисида**

ТАРТИБ

Ушбу тартиб Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги 829-сонли қарори билан тасдиқланган “Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисида”ги низом талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур тартиб Марказий банк тизимида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш, унинг сабаблари ва бунга имкон берувчи шарт-шароитларни бартараф этиш ҳамда ходимларнинг коррупцияга қарши курашишда фаол иштирокини таъминлаш ҳамда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар берган ходимларни рағбатлантириш ва таъқиб қилинмаслиги кафолатларини белгилайди.

**II. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг
олдини олиш ва унга қарши курашиш**

2. Марказий банк ходими (бундан буён матнда ходим деб юритилади) қонун ҳужжатларига риоя этиши, ўз мансаб ёки хизмат мажбуриятларини беғараз, холисона, виждонан, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этган ҳолда бажариши ҳамда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликни содир этишдан ёки бундай ҳуқуқбузарликни содир этиш учун шарт-шароитлар яратадиган бошқа ҳар қандай ҳаракатлардан ўзини тийиши шарт.

3. Раҳбар ходимлар коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш учун қуйидаги чораларни кўришлари лозим:

Марказий банкнинг фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда юзага келиши мумкин бўлган коррупцион хавф-хатарлари инобатга олинган ҳолда банклар ва нобанк кредит ташкилотлари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш, шунингдек лицензиялаш ва рухсат бериш фаолияти, харидларни ўтказилиши ҳамда кадрлар билан ишлаш йўналишларига алоҳида эътибор қаратиш;

кўл остидаги ходимларига коррупция ҳолатларини аниқлашда шахсан ўрناق бўлиши ҳамда ходимларда коррупциянинг ҳар қандай кўринишларига нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш;

кўл остидаги ходимига раҳнамолик (асоссиз рағбатлантириш ва лавозимни кўтариш), шунингдек, ножўя ишларига бепарволик (фаолиятдаги камчиликлар учун чора кўрмаслик, ҳуқуққа зид ҳаракатларига эътибор бермаслик) ҳолатларига йўл кўймаслик;

раҳбарлик қилаётган таркибий бўлинма фаолиятини тизимли таҳлил қилиб, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқарадиган омилларни аниқлаш ва шарт-шароитларни бартараф этишнинг таъсирчан чораларини кўриб бориш.

III. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этишга ундаш ҳолатлари тўғрисида хабар бериш

4. Ходимлар томонидан коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этишга ундаш мақсадида мурожаат қилинганлиги ҳақида тўғридан-тўғри комплаенс-назорат фаолиятини амалга оширувчи таркибий бўлинма орқали Марказий банк раиси номига ҳамда ваколатли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ёзма равишда хабар берилади.

5. Ходимларни коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этишга ундаш бўйича барча мавжуд материаллар ўрнатилган тартибда расмийлаштирилади.

6. Ходимнинг огоҳлантиришига қарамасдан, пул ёки бошқа моддий бойликлар қонунга хилоф равишда унинг хизмат хонасида ёки бошқа жойда қолдириб кетилса, масъул шахслар (қўриқлаш ёки навбатчилик қисми ходимлари) ва бошқа шахслар иштирокида далолатнома тузилади. Ушбу далолатнома дарҳол раҳбариятга ҳамда ваколатли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга тақдим этилади.

IV. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар берган ходимларни рағбатлантириш ҳамда уларнинг таъқиб қилинмаслиги кафолатлари

7. Ходимларнинг коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш ва унга қарши курашишдаги фаол иштирокини рағбатлантиришнинг асосий мақсади қуйидагилардан иборат:

Марказий банк тизимида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олишда ва унга қарши курашишда фаол иштирок этган, ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг сабаблари ва бунга имкон берувчи шарт-шароитларни бартараф этиш борасида раҳбариятга асосли таклиф ва ташаббусларни тақдим этган, шунингдек, мазкур соҳани такомиллаштиришга ҳисса қўшган ходимларни рағбатлантириш;

ходимларнинг коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш ва унга қарши курашишдаги фаоллигини янада ошириш.

8. Ходимлар коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида мурожаат этиб, ҳуқуқбузарликлар (жиноят)нинг олдини олиш, тўхтатиш ва уни тўлиқ фош этишда фаол иштирок этганлиги учун, комплаенс-назорат фаолиятини амалга оширувчи таркибий бўлинма томонидан Марказий банк раиси номига киритилган билдиришнома асосида рағбатлантирилади.

Ходимларни рағбатлантириш Марказий банк раиси ваколати доирасида бир марталик пул мукофоти, ташаккурнома ёки эсдалик совға шаклида белгиланади.

Рағбатлантириш масаласи коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар бўйича жиноят ишлари юзасидан суднинг айблов ҳукми ёки маъмурий ишлар бўйича суднинг қарори қонуний кучга киргандан сўнг кўриб чиқилади.

Мурожаатчининг таъқиб қилинмаслиги - коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берган ходимларга нисбатан ишдан бўшатиш, лавозимини пасайтириш, зулм ўтказиш, таъқиб қилиш сингари ҳаракатларига йўл қўйилмаслиги ҳамда улар ҳақида маълумотлар сир сақланиши кафолатланади.

9. Қуйидаги асослардан бири мавжуд бўлган тақдирда ходимлар рағбатлантирилиши мумкин:

ходимларга нисбатан қасддан содир этилиши режалаштирилаётган коррупцияга оид ҳуқуқбузарликнинг олди олиниши ёки тўхтатилиши;

тайёргарлик кўрилаётган коррупцияга оид ёки бошқа ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар бериши натижасида жиноят фош этилиши;

жиноятни тўхтатиш ва уни тўлиқ фош этишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга фаол кўмаклашиши;

аҳоли ўртасида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги тарғибот ва профилактик тадбирларда фаол иштирок этиши;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабаблари ва бунга имкон берувчи шарт-шароитларни бартараф этиш борасида раҳбариятга таклиф ва ташаббусларнинг тақдим этилиши, шунингдек, ушбу таклифларнинг амалиётга жорий этилиши.

10. Ходимни рағбатлантириш, юқори лавозимларга ёки давлат мукофотларига тавсия қилишда унинг коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва унга қарши курашдаги фаол иштироки ҳам инобатга олинади.

V. Яқуний қоидалар

11. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш билан боғлиқ низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

12. Ушбу тартибни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Департамент директори



Д.Холмуродов